



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
1 июль
ЧОРШАНБА
№ 52
(12.167)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси


Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ғапла - 2009

Шу кунларда вилоят қишлоқлари-
ни кезган киши ҳар қадамда турна-
қатор ғалла қарвонларига дуч кели-
ши табиий ҳол. Чунки, қишлоқ ту-
манларида ўрим-йигим айна қизгин
паллага кирди. Худудий ўрим отряд-
лари мавжуд ишчи кучлари ва бар-
ча техника воситаларининг эрта тон-
дан оқшом қоронгисигача тўхтовсиз
ва юксак унум билан ишлашини таъ-
минлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ов-

қатланиш, қисқа муддатли ҳордиқ
чиқариш, техника воситаларига ёни-
ли қуйиш ва уларга сервис хизмати
кўрсатиш ҳам бевосита дала бошла-
рига кўчирилган. Ўрим-йигим ишти-
рокчиларини моддий манфаатдорлик
билан ишлашга рағбатлантириш чо-
ралари кўриляпти. Шунингдек, ёни-
ли хавфи ва доннинг талон-торож қили-
нишининг олдини олиш масалалари
ҳам доимий диққат-эътиборда.



Мавсумга ҳар жиҳатдан
пўхта тайёргарлик кўрган ва
ўрим-йигим ишларини оқило-
на таъкил этган туманлар
юксак суръатга эришиб,
давлат эътиёжлари учун дон
топириш шартнома мажбу-
риятларини бажариш арафа-
сида. Жумладан, Зангиота
тумани ғаллакорлари 30
июнгача 4675 тонна, яъни
шартнома режасининг 96,8
фоизи миқдорда дон топи-
риб, вилоятда пешқадам-

ХИРМОНГА КҮН САЙИН БАРАКА КИРАЯПТИ



лик қилмоқдалар.

Айниқса, вилоятнинг умумий дон хирмонига энг кўп улуш қўшадиган Бекобод тумани ғаллакорларининг ғайрати алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар кечаги кунгача шартнома мажбуриятига нисбатан 94 фоизга етказиб ғалла топиришга эришди-лар. Шунингдек, янги икки катта қарвон - Бўка ва Урта-чирик тумани ғаллакорлари ҳам қабул пунктларига шартноманинг тўртдан уч миқдорда дон топиришди-лар.

Вилоят бўйича 30 июнь ҳолатига қарийб 194 600 тонна дон тайёрланди. Бу шартномада белгиланган жами ғалланинг 64,3 фоизига тенгдир. Ҳозир кунига

қабул пунктларига 11 минг 700 тоннадан зиёд ёки шартноманинг қарийб тўрт фоизи миқдорда ғалла топирилмоқда.

Янгийўл туманидаги УЭМЗИ фермерлар уюшма-сида ғалла ўрим-йигими ҳал қилувчи паллага кирди. Ил-ғор фермер хўжаликлари эса шартнома мажбуриятларини бирин-кетин бажармоқда-лар. Жумладан, Абдурахмон Холимов бошлиқ «Саховат-ли Ибодул» фермер хўжа-лиги ғаллакорлари кечаги кунгача қабул пунктларига шартномадаги 172,8 тонна ўрнига 190 тонна дон топиришди. Уртача ҳосилдор-лик 50 центнерданга тўғри келаяпти. Ғалла ўрими эса давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: фермер Абдурахмон Холимов ҳосил чўғидан мамнун; (чапдан) ҳудуд профлиактика нозир Зокир Хўжақелдиев, ўрим-йигим отряди бошлиғи, ғалла ҳосилоти Саидхўмад Ўсупов фермер хўжалиғи сувчи-си Умар Мавсумов; «Кей» оператори Абдусаттор Абдурахмонов.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ТАЪРИФИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН

Жонажон пойтахтимиз Тошкент ўзининг кўркам жамоли, бетакрор манзаралари, замонавий иншоотлари билан бирга бой тарихи, буюк олим фузалари, мутафаккирлари билан ҳам жаҳоннинг энг номдор шаҳарлари қаторида туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қаро-рига асосан юртимизда маз-кур байрамни кенг нишон-лаш учун тайёргарлик иш-лари қизгин давом этмоқ-да.

Айни пайтда ушбу қарор ижроси юзасидан пойтахти-мизда кенг кўламли қури-лиш, таъмирлаш ва обо-донлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Жойларда Тошкент тарихини ўр-ганиш, бу заминда яшаб ўтган алломалар ижодий меросини тадқиқ этишга бағишланган турли учра-шулар, давра суҳбатлари ўтказилапти. Жорий йил-нинг апрель ойда ЮНЕС-КОнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳида пойтахти-мизнинг қутлуг юбилейи кенг миқёсда нишонлан-гани ҳам Тошкентнинг бой тарихи ва буюк келажагига юксак эътироф ва эътиром ифодаси бўлди.

Тошкент азалдан дунё-нинг турли бурчақларидан ташриф буюрган сайёҳлар-ни, меҳмонларни узи-га мафтун этиб келган.

Ушмишда кўплаб тарихчи-лар, фозилу шоирлар бу шаҳар тарихи, унинг сўлим манзаралари, меҳмондўст ва бағрикенг инсонлар ҳақида қимматли маълумот-лар битиб қолдирганлар.

«Тошкент» номи дастлаб буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгор-ликлар», Махмуд Қошғарий-нинг «Девону лугатит турк» асарига тилга олинган.

Тошкентнинг XIII-XIX аср-лардаги ижтимоий-иқтисо-дий ва маданий ҳаётига доир айрим маълумотлар ўша даврларда араб, форс ва туркий тилларда яратил-ган манбаларда, Марказий Осиё хонликларида ва Тош-кентда бўлган сайёҳлар асарларида ҳам учрайди.

Шарқ мумтоз адабиёти-нинг буюк намояндалари-дан бири Абулқосим Фир-давсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам Тошкент номига дуч келамиз. Асар қаҳрамонла-ридан бири Рустам ўз ганимларини «Қамони Чо-чий», яъни тошкентлик хунарамандлар ясаган ўқ-ёй билан мағлуб этади. Шу-нинг ўзиёқ азалдан Тош-кент ўзининг хунарамандчи-лиги билан ҳам доврқ та-ратганидан далолат беради.

Буюк шоир ва саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бо-бур ўзининг «Бобурнома»

асарида Тошкентнинг тари-хи, иқлими ва табиати, мил-лий хунарамандчилиги, аҳолининг турмуш тарзи ҳақида бир қатор маълумот-ларни келтиради. «Тошкент вилояти Умаршайх Мирзо тасарруфида эдиким, китоб-ларда Шош битирлар, баъ-зи Чоч битирларки, «Қамо-ни Чочий» андин иборат-дур».

Ушмишда Тошкентда яшаб ўтган маърифатпар-варларнинг бу шаҳар тари-хига бағишланган бир қатор асарлар ёзгани маълум. Жумладан, Хофиз Кўҳакий номи билан машҳур бўлган, узоқ йиллар Хиндистонда, Бобурийлар саройида хиз-мат қилган Султон Муҳам-мад Тошкандийнинг «Тари-хи Тошканд» номи асар ёзгани ҳақида маълумотлар бор.

XIX асрнинг 60-йиллари-да ёзилган Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-ахвол» асари ҳам шаҳар ижтимоий-сиёсий тарихига доир қимматли маълумот-ларни ўзига акс эттиргани билан эътиборга молик.

XIX асрда Тошкентда яшаб ўтган Муҳаммад Солиххў-жанин «Тарихи жадидаий Тошканд» (Тошкентнинг янги тарихи) асарини ушбу ша-ҳар ўтмишига бағишлаб ёзилган яхлит тарихий асар, дейиш мумкин. Унда Тош-кент шаҳри ва унинг атро-фидаги ҳудудларда юз бер-ган тарихий воқеа-ходисалар қаламга олинган.

(Давоми 4-бетда).

«ҚАҲРАМОН» СПОРТЧИЛАРИ ШОҲСУПАДА

Тадбирда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати республика кенгаши кубоги биринчилигига даъвогар 200 нафар иштирокчи спортнинг янги тури - ўзбек жанг санъати, қиличбозлик ҳамда карате бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Умумжамоа ҳисо-бида вилоятимиз шарафини ҳимоя этган «Қаҳрамон» спорт клуби шохсупанинг биринчи поғонасидан жой олди. Андижонлик жанг усталари иккинчи, Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Миллий кураш бўйича беллашуларда 60-65 кг вазнли спортчилар ўртаси-да ҳам ангреник ёшлар устун келишди, - дейди спорт клуби раҳбари Қаҳра-мон Сатторов. - Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах ҳамда Бухоро вилоятлари-дан келган ёш курашчилар ҳам мусобақанинг пешқа-дамлари бўлишди.

Айни пайтда клуб аъзо-лари август ойда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган халқаро турнирга ҳозирлик кўрмоқда.

Мунира ИСАЕВА.

ЁШЛАР — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Олмалиқ шаҳар марказий ўйингоҳида жамияти-миздаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғлом-лаштириш, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олди-ни олишга қаратилган тарбиёт ишларини янада ку-чайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни буюк аждод-ларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, со-ғлом турмуш тарзининг асл моҳиятини тўғри талқин этишга қўмаклашиш мақсадида «Ёшлар — гиёҳванд-ликка қарши» мавзусида фестивал ўтказилди.

Уни вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорли-да ташкил этди.

Фестивалда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар билан турли қизиқарли ўйинлар, интеллектуал салоҳиятни оширишга қаратилган са-вол-жавоб викториналари, Болалар спортини ривож-лантириш жамғармаси томо-

нидан эса, ёшлар иштиро-кидаги турли спорт ўйинла-ри ташкил этилди. Ғолиб-ларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топи-рилди.

Шунингдек, тадбирда ви-лоят академик бадийи жа-моалар дирекцияси қоши-даги «Шош навоилари» ан-самбли ҳамда таниқли эс-трада хонандалари иштиро-кидаги концерт дастури намойиш этилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ТАЪЛИМ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Олмаота шаҳридаги Марказий Осиё минтақавий экологик марказида «Таълим — барқарор тараққиёт асоси» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинарда Марказий Осиё мамлакатлари табиат-ни муҳофаза қилиш, иқти-содий, таълим вазирлик-лари ҳамда нотижорат таш-килотлар, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёдаги вакил-лари иштирок этишди.

Семинарда асосий эъти-бор барқарор ривожланиш учун таълим тизимини бун-данда тараққий эттириш, бу борада Марказий Осиё дав-латлари ҳамкорлигини яна-да ривожлантириш каби масалаларга қаратилди.

Азиза КИЁСОВА,
«Туркистон-пресс».

СОФИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВАЛАР

Жойларда «Қишлоқ та-раққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури до-ирасида ташкил этилаёт-ган маърифий тадбирлар-да республикамизнинг та-ниқли адаблари, олимлар, санъаткорлар, адабиётшу-нослар, сиёсатчи-хукуш-нослар, дин арбобларидан иборат маънавий-маъри-фий тарбиёт гуруҳлари иштирок этмоқда.

Вилоятимизнинг барча ту-ман ва шаҳарларида ўткази-лаётган бундай учрашувлар-ни юртдошларимиз катта қизиқиш ва мамнуният билан қаршиламолқдалар.

Ангренидаги маърифий хизмат кўрсатиш касб-хунар колле-



жига ташриф буюрган меҳ-монлар мустақил Ўзбекисто-нимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида мароқ билан сўзладилар. Айниқса, миллий маданиятимиз, олтин мерос сифатида кадр ва эъзоз то-паётган вилоятимизнинг тари-хий обидалари ҳақидаги қизи-қарли маълумотлар, «Супер-қайнона», «Қайнона» - ой-онам» мусикали комедиялар-да рош ролни ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрованинг чиқиш-лари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. Даврон АҲМАД олган сурат.

ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилганига 15 йил бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони билан 1994 йил 1 июлдан сўм мамлакатимиз ҳудудида ягона чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида муомалага кири-тилди.

Миллий валютанинг нафа-қат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқи-миз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятини кўзгусидир. Унда юртимиз-нинг бой тарихи ва буюк келажаги ўз аксини топган. Ўзбек сўмини қўлига олган кишининг қадим Самарқанд-даги Регистон майдони, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Ғури Амир макба-раси каби тарихий обида-лар, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта те-атри, «Истиклол» санъат саройи, шунингдек, пойтах-тимизда Соҳибқирон Амир Темурга ўрнатилган улғувор ҳайкал тасвирларига қўзи тушади. Буларнинг барчаси бугун халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шуғрида миллий гуруҳ туй-ғуларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳа-мият касб этмоқда.

Сўмининг муомалага кири-тилиши Ватанимизда сама-рали пул-кредит тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадам, иқтисодий мустақил-ликка эришишга йўналти-рилган асосий воситалардан бири бўлди. Ўзбекистон ўз миллий валютасининг бар-қарорлиги ва мустақамли-гига четдан қарз олма-дан, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд захиралардан оқилона фой-даланишини таъминлаш ор-қали эришганини бугун фахр билан қайд эта-миш. Ху-сусан, сўмининг харид на-рхини ошириш мақсадида ички бозоримизни ўзимиз-да ишлаб чиқарилган маҳ-сулотлар билан тўлдириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, пул-кредит сис-темининг ис-тиёмоли мол-лари билан нақд пул мута-носбилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратил-гани барча соҳаларда ўз са-мараларини бермоқда.

Ўзбекистон ўтган йиллар ичида бутун дунёда «Ўзбек модели» дея эътироф этил-ган тараққиёт йўлидан бориб, фаол инвестиция сис-темини юритиш ва таркибий исло-хотларни изчиллик билан ўтказишга жиддий эътибор қаратди. Қисқа муддатларда машинасозлик, газ ва нефтни қайта ишлаш соҳаларида, кимё саноатида янги ишлаб чиқариш қувватлари, жумла-дан, хориқ сармояси ишти-рокидаги замонавий корхо-налар ишга туширилди. Транспорти инфраструкту-расини ривожлантириш бора-сида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Саноатда таркибий исло-хотларнинг жадал суръат-ларда олиб борилиши на-тижасида иқтисодиётимизда



етақчи ўрин тутадиган кўплаб заводларнинг бир маромда узлуksиз маҳсулот бериши таъминлангани, Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилаётгани мамла-катимиз салоҳиятини янада юксалтириш, одамларимиз-нинг эртанги кунга ишончи-ни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айни пайтда, бу Ўзбекистонимизнинг жаҳон иқтисодий тизимида, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда муҳим омил бўлмоқда.

Буларнинг барчаси иқти-содий ўсиш суръати ва си-фатини ошириш ҳамда экс-порт таркибини яхшилаш имконини берди. Ўрни кел-ганда таъкидлаш жоиз, сўм муомалага киритилишидан олдин мамлакатимиз йилга 680 миллион АКШ долларига-ча нефть маҳсулотлари, 430 миллион долларгача ғалла сотиб олган бўлса, бугун бундай маҳсулотлар-ни хориққа экспорт қилмоқ-да. Табиийки, мамлакатимиз-нинг экспорт салоҳияти ош-гани сайин пулимиз қадри ҳам юксалиб бораёпти.

2003 йилнинг 15 октяб-ри кунини мамлакатимизда Халқ-аро валюта жамғармаси Ни-зомининг VIII моддаси талаб-лари кучга кирди - жорий халқаро операциялар бўйи-ча сўмининг эркин алмашти-рилиши йўлга қўйилди. Унинг барқарор валюталар-дан бирига айланиб, тобора мустақамланиб бораёт-ганини халқаро молия му-ассасаларининг экспертлари ҳам алоҳида эътироф этмоқ-да. Хусусан, яқинда мамла-катимизда бўлган Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) фармойиш берувчи директори Доминик Стросс-Кан бошчилигида делега-ция бу борада Ўзбекистон эришган ютуқларга юксак баҳо берди. Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳам-корлик банк қонучилигини, статистик қайд ва ҳисобот тизимини, бюджет тасноти-ни такомиллаштириш, тўлов тизимини ривожлан-тириш каби соҳаларда, ай-ниқса, фаол ривожланмоқ-да. Ўзбекистон ХВЖ томо-нидан ажратилган кредит-ларни тўлаш бўйича барча мажбуриятларини бажарган.

ХВЖ Ижрочи директор-лар кенгаши мажлисида Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш борасида қўрилатган чора-тадбирлар мамлакат савдо ва тўлов балансида ихобий сальдо-ни барқарорлаштириш, ол-тин-валюта захирасини қўпайтириш имконини бе-раётгани қайд этилган. ХВЖ экспертлари жаҳонда мо-лиявий-иқтисодий инқироз ҳўкм сураётганини қарамас-сини ривожлантириш бора-сида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Саноатда таркибий исло-хотларнинг жадал суръат-ларда олиб борилиши на-тижасида иқтисодиётимизда

(Давоми 2-бетда).

ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан маълум қилишларича, миллий валютаимиз нусхаси Халқаро валюта жамғармасининг Вашингтондаги бош қароргоҳида дунёдаги барча пуллар қаторида сақланади. Улар жаҳондаги пул бирликларини белгилаш учун бу ерга қўйилади. Бу пулларнинг номланиши ҳам, қўрилиши ҳам турлича. Уларнинг орасида бизнинг сўйимиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уни қўлимизга олганимизда миллий гурур, она юртидан фахрланиш, Ўзбекистоннинг фарзанди эканлигимиздан мағрурланиш туйғулари жўш уради. Энг муҳими, сўйимиз айрим давлатларнинг миллий валютаси каби ўзга мамлакатларда эмас, Ўзбекистонимизда босилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда банклар фаолияти янада фаоллашмоқда. Бунда уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаётди. Юртимиздаги молия муассасаларининг "Мижоз банк учун

эмас, банк мижоз учун" деган шiori асосида фаолият юритиши нафакат тадбиркор ва ишбилармонлар, балки барча фуқароларнинг миллий валютада ифодаланган молиявий воситаларга ишончи ва қизиқиши орттиришга хизмат қилмоқда. Натижада аҳоли омонатлари таркибида миллий валютадаги депозитлар улуши тобора кўпаймоқда.

Сўм – миллий ифтихоримиз тимсолларидан бири. Пулиннинг қадри баланд давлат сийсатда ҳам, иқтисодда ҳам мустақил, бировларнинг кўрсатмаси, хоҳишироҳаси билан эмас, ўз халқи манфаатларидан келиб чиқиб иш қўлади. Истиқлол туфайли муомалага кирган сўйимиз бизга ана шундай имкониятни ҳада этган.

Булари билан барчаси давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтириш борасида изчиллик билан амалга оширишда илҳомланиб бераётган самаралардан бири.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Абитуриент – 2009

ҚИЗГИН ПАЛЛА

Шу кунларда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида 2009-2010 ўқув йили учун қабул комиссиялари қизгин фаолият олиб бормоқда. Минглаб абитуриентлар олий ўқув юртига ўзлари истagan мутахассислик бўйича ҳужжат топширмоқда. Олийгоҳларда қабул комиссиялари иш бошлаганидан буён ҳали кўп вақт ўтмай, бу даргоҳда билим олиб, мамлакатимиз равақли, иқтисодиёти, тараққиётига муносиб ҳисса қўиш истагиди бўлган йигит-қизлар сафи кўпаймоқда.

Тошкент вилояти давлат педагогика институтиди ҳам абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш, бу борада уларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

– Янги ўқув йилида институтимизга 1415 талаба қабул қилинади, – дейди қабул комиссияси масъул котиби Зайидиллаҳон Бурхонов. – Шундан 485 нафар талаба давлат гранти ва 930 нафари эса, тулов-шартнома асосида тах-

сил олади. Ўқиш ўзбек, рус, қозоқ ва тожик тилларида олиб борилади. Талабаларимиз 20 та йўналишда тегишли мутахассисликлар бўйича таълим олаётган. Янги ўқув йилида бошлаб, дефектология йўналиши ҳам ташкил қилинади. Бу мутахассислик бўйича 25 талаба қабул қилиниб, давлат гранти бўйича 5 та, тулов-шартнома асосида эса, 20 та ўрин ажратилган.

Шу кунгача 400 нафардан зиёд абитуриент ҳужжат топширди. Мамлакатимиз Куролли Кучларида хизмат бурчини намунали ўтаб, тавсиянома билан қайтган 17 нафар йигит ҳам абитуриентларимиз сафига қўшилиши.

Институтда талабалар билим олиши, маданий ҳордиқ чикаришлари учун барча шароит яратилган. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида институтларамиз ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Навоий, Қўқон давлат педагогика институтлари билан ўзаро илмий-назарий йўналишда амалий ҳамкорлик олиб борилапти.

Саид ХАСАНОВ.

СУРАТАЛАРА: вилоят давлат педагогика институтиди қабул комиссияси фаолиятининг лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

ФЕРМЕР ВАЪДА БЕРДИ

Ўртачирчиқ туманидаги 6 та умумтаълим мактаби қошида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган бўлиб, улар ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва аҳолини мукамал тизим асосида ахборот билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бунинг учун марказлар замонавий техника ва мебель жиҳозлари, телевизор, компьютер, мультимедия проектори ва кондиционерлар билан жиҳозланган, интернет тармоғига ulangан.

Марказларнинг китоб фондиди 29 мингга етди. Бу ерда энциклопедик лугатлар, маънавий, сиёсий, бадний, илмий, ўқув-ўқувчи қўлланмалар, лотин алифбосиди адабиётлар, ҳатто, газета ва журналларнинг таҳлимига ҳава. Ҳозир бу адабиётлар фонди мактаб, кутубхона, оила, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар ҳамкорлигида янада бойиб бормоқда.

Яқинда тумандаги фермер Олимжон Мирзақаримов ўзи олиб келган турли китоблар билан 1-умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс маркази фондиди бойитишга ҳисса қўшди. Шунингдек, у марказда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб буклетлар, қўлланмалар чоп этиш ҳамда китоб кўргазмалари, урашув ва суҳбатлар ташкил этишни қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

Мирсоҳиб ОДИЛОВ.

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Куролли Кучлари академиясининг наватдаги битирувчиларига диплом ва кўрак нишонлари топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда мазкур академия ўқитувчилари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

– Олий ҳарбий билим юрти ва хизмат давомидида эгаллаган билим ва тажриба бу ерда янада бойиди, – дейди битирувчи, майор Шухрат Холмухамедов. – Хизматни давом эттиришга киришар эканман, бор куч-ғайратим, олган билимларимни Ватаним ва халқимга садоқат билан хизмат қилишга, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш ҳамда юртимиз тинчлигини кўз қорачигидек асраб-авайлашга бағишлайман.

Тадбирда Куролли Кучлар марказий ашула ва ракс ансамблининг концерт дастури намойиш этилди.

ЎзА.

Маҳалла

Тўй таратқилида бўлажак келинча сарпо-суруқ қилиш баҳонасида бир йўла сабзи-гуруччи ҳам қопи билан ола қайтган Қомила аяни уйда маҳалла фаоллари қуттишарди.

– Ҳашарга айтмабсизда, – йигитлар машина юкчасидаги қопларни туширишга ошиқтиришди.

– Раҳматли амакинги қариганда топан ёлғиз зурриёди тўйини кўрмай кетди, – ҳовлидаги айлана супага кўрпача соларкан, аянинг кўзлари намланди. – Энди тўйга ўзларингиз бош бўласизларда.

– Албатта, шунинг учун ҳам тўй кенгашириш бўлмайди, – маҳалла оқсоқоли ён чўнтағидан қорғошча олиб аяга узатди, – Бу туман «Маҳалла» жамғармасидан тўйга ёрдам сифатида

най, бахтимизга яхшилар омон бўлишин, – ажин оралаган юзларини дока рўмоли учи билан қайта-қайта артаркан, аянинг кўнгли тўлиб кетди.

Бир пиёла қойи устида тўйга доир бошқа ташкилий масалалар фаоллар маслаҳати билан ҳал бўлди.

Айни вақтда Оҳангарон тумани «Маҳалла» жамғар-

риш, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш цехларини ташкил этиш, аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражасини юксалтириш ишлари тобора кенг қулоқ еймоқда.

– Ўрғози қишлоғидаги «Қизилой» маҳалла фуқаролар йиғинига 7 километр узунликда табиий газ қувурлари тортилиб, хонадонларда «зангори олов»

раққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ишлаб чиққан. Масалан, «Азим ота» фермер ҳўжалиги раиси Аваз Азимов мева қуритиш, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда чорва махсулотларини қайта ишлашга иқтисослашган кичик цехлар ташкил этиш ҳаракатида.

– Озёқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириш ниятида янги ўзлаштирилган 4 гектар майдонга қунгабоқар экидик, – дейди «Семурғ» фермер ҳўжалиги раҳбари Рустам Холбоев. – Бу йил Янгийўл ёғ-мой комбинатида 4800 килограмм писта етказиб бериш юзасидан шартнома тузганмиз. Келажакда бу хом ашёдан ўзимиз ёғ ишлаб чиқариш учун кичик технология сотиб олмақчимиз. Ҳар йили сабзавот экинларидан 200 тоннадан зиёд махсулот олиб, «Олма» деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятига буюртма асосида етказиб бераёلمиз.


Қорахитойнинг Тут қишлоғида тадбиркор Дилшод Йўлчиёвнинг сав-ҳаракати билан бунёд этилаётган гузар қурилиши ҳам ниятида етапти. Хуллас, қишлоқларни тараққий топтириш, эл фаровонлиги йўлидаги ҳайрли ҳаракатлар маҳалла оқсоқоллари, фермер, тадбиркор ва ишбилармонлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТАА: жамғарма хисобчиси Шўҳида Назирова иш юритувчилар Феруза Қомилова ҳамда Дилдора Йўлдошев.

Муаллиф олган сурат.

ҲАМКОРЛИК - ХАЙРАНИ ҲАРАКАТЛАРГА ҚАНОТ



ёна бошлади, – дейди туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Махмуд Холтурев. – Озодлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида 38 та хонадон ҳам бу-гун табиий газдан фойдаланаёпти.

«Ўзар» маҳалласида ҳомийлар кўмағида 1 километр масофада қувур тортилиб, қишлоқнинг газлаштирилмаган хонадонларида 1 сентябрдан табиий газ ёнадиған бўлди. Манзилли дастур доирасида 2,5 километр масофада ичимлик суви қувурлари янгиланади ҳамда 2 та сув насоси ўрнатилади.

Бешқўл, Қўқарой, Сер-

қакқирлиди, Чинор қишлоқлари йўллари ҳашар йўли билан ободонлаштирилмоқда. Бундан ташқари, Оҳангарон йўл бошқармаси 10 километр узунликдаги қишлоқ йўллари таъмирлайди. Су-сам қишлоғида тадбиркор ташаббус билан эски ҳўжалик биноси ўрнида ҳаммом қурилиши мўлжалланаёпти.

Жамғарма «Қишлоқ та-

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси Тошкент тумани 1-сон, Зангиота тумани 1-сон ва Ўртачирчиқ тумани давлат нотариал идораларининг нотариуси лавозими учун танлов ўтказишга қарор қилди.

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- Малака комиссияси номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимидида иш бошлаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганлиги ҳақида Малака комиссиясининг қарори билан қўйиш;
- охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар жорий йилнинг 23 июль кунига қадар Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани,
У. Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 253-84-30, 280-51-03.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. 2009 йил 4 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтаётган аукцион савдосига, Чирчиқ шаҳар суд ижро-чилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 02.06.08 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, умумий майдони 455,82 кв.м., махсуус хона майдони 29,39 кв.м. бўлган, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 259-уй манзилида жойлашган, 2 қаватли нотузаржой биносининг 2-қавати қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 50 247 947 сўм.

II. Шунингдек, 2009 йил 21 июль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтаётган аукцион савдосига тақдоран суд ижро-чилари томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

– Тошкент тумани суд ижро-чи-лари бўлими томонидан, Тошкент тумани Тошкент ш/х, Минвода кўчаси, ХК «Қандрат Давоов» оми-бонхонасида сақланаётган: 1. ЖИБ Тошкент вилояти, Зангиота тумани судининг 18.11.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, «УАЗ-3151201» русумли, д/р 12Г0723 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 570 798 сўм. 2. Тошкент вилояти Зангиота тумани туманлараро фуқаролик судининг 14.11.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, «М-412» русумли, д/р 11Г7501 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 999 057 сўм.

3. ЖИБ Тошкент вилояти, Занги-ота тумани судининг 19.02.2009 йилдаги қарорига асосан хатланган, Тошкент тумани, Хасанбой кфй «Қамол-Уматдош» МЧЖ омиборида сақланаётган, «Қамол-53212» русумли, д/р 11Б5062 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 32 770 628 сўм. 4. ФИБ Навбахор тумани судининг 17.12.2007 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, Келес шаҳар «Тошсувбўлаш» ШК майдонидида сақланаётган, 1357-сон билан рўйхатдан ўтган, 1979 йилда и/ч, «БКСМ-7-5» русумли минорали кран. Бошланғич баҳоси – 10 923 500 сўм.

– Олмалик тумани суд ижро-чи-лари бўлими томонидан арзонлаш-тирилган нархда қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 14.05.2007 йилдаги 11-0705/2182-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Тижорат Осиев» МЧЖга тегишли бўлган, Олмалик шаҳри, Абдуллаева кўча-сида жойлашган бинолар мажмуа-си. Бошланғич баҳоси – 27 735 850,71 сўм. 2. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 11.08.2006 йилдаги 11-0605/5697-сонли ва 27.03.2007 йилдаги 11-0705/904-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Олмалик Шароб Савдо» ШКга тегишли, Олмалик ша-ҳар, Улуғбек кўча 5/2 кичик ноҳия-

си ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 419,2 кв.м., умумий майдони 473,3 кв.м. бўлган дўхон би-носи. Бошланғич баҳоси – 32 008 932 сўм. 3. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 02.03.2007 йилдаги 2-48-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳар ИИБда сақланаётган, «М-412» русумли, д/р 11В6328 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 126 247,40 сўм.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижро-чилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-сида иштирок этиш учун талабгор-лардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолган-да тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат кели-шувга асосан, мулк бошланғич ба-ҳосининг 10 фоизидан кам бўлма-ган микдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тулов ҳўжжатида ижро ҳўжжати ра-қами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси – РКМБнинг ОАИБ «Ипак йўли банки»нинг Саг-бонг ф-даги қуйидаги ҳисоб рақа-мига тўлашлари шарт: 20120000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўрабзоёв кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хўзуридаги Ўзбекистон нефть махсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси

«ЎЗДАВНЕФТГАЗИНС-ПЕКЦИЯ» Тошкент вилоят бўлими тадбиркор-лик субъектларининг мавжуд муаммолари


«Ўздавнефтьгазинспекция» Тошкент вилоят ҳудудий бўлими телефони: (8-371) 267-84-89. Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 32-А уй.

Шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан 130-20-25, нефть махсулотларидан оқилона фойдаланиш юзасидан 300-46-81, магистраль газ қувурлари, АГТҚШ, АГТШ ва нефть-газ объектлари қурилиши ҳамда фойдаланилиши юзасидан 733-87-02 рақамларига қўнғирот қилишингиз мумкин.



АЛОҚА ЯХШИЛАНДИ

Шу йил вилояти-миздаги бир неча қишлоқ телефон станциялари қайта реконструкция қилин-ди. Тўйта телеком-муникациялар боғла-масига қарашли Қорасув қишлоқ телефон станцияси эса замонавий алоқа корхонасига айланти-рилади.

Унинг аналог станция-си «Коинот эл-СГМ» қурилмаси асосида қайта жиҳозланди. «Коинот» очик акция-дорлик жамияти ишлаб чиққан 280 рақамга мўлжалланган бу ихчам қурилмани харид қилиш учун «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси керакли маблағни аж-ратди.



Бўстонликда ёз манзаралари.



Дунёда шундай халқлар, шундай миллат вакиллари борки, улар кўча-кўйда ҳам, иш жойи-ю жамоатчилик орасида ҳам бир хил кийимда, айттайлик жинси шимда юраверадилар ва бу ҳол улар учун айб саналмайди. Бунинг устига эркаклар соқол-мўйловларини ҳам қиртишлаб утирмайдилар. Бизнинг халқимиз

эса, кўчага отланса, албатта оҳорли кийим кийиб, ювиниб, тараниб чиқишга одатланган. Чунки биз "Ёмонингни асло бировга кўрсатма", деган ақида билан яшайдиган эл фарзандларимиз. Қолаверса, "Онани отанга бепардоз кўрсатма", деган мақол ҳам биздан бошқа халқларда учрамасов...

НЕКИМ ЎЗ ҚОШИНГДА ЭРУР НОРАВО...

Бизнинг аждодларимиз ёмонини бировга кўрсатмаслик факатгина инсоннинг ташқи кўринишига эмас, одоб-ахлоқига, бутун туриш-турушига ҳам тааллуқли, деб билганлар. Жумладан, ҳеч бир хонадоннинг ахлат чиқиндисини бошқа биров кўрмаган, чунки бу ўта уят ҳисобланган. Чиқиндининг ёнадигани-ёндирилгани, ёнайдигани-кўмилгани, алоҳида кир ўралари бўлган.

Неким ўз қошингда эрур нораво, Улусқа они кўрма асло раво,

деган пурҳикмат байтни ҳам бизнинг Мир Алишер бобомиз битганлар.

Афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда ота-боболаримизнинг ана шундай эзгу аълолари бир қадар унутилиб борилаётгандай туюлади менга. Орамизда ўзининг ёмон хулқларини, ёмонликларини бошқаларга кўрсатишдан ор қилмайдиганлар пайдо бўлаёттир.

Яшириб нима қилдик, ён-атрофдаги айрим кўни-қўшиллар, маҳалладошлар орасида ҳаммом оқавасини, кир-чирининг мағзава-сини оқар сувларга тўридан-тўғри оқизиб қўйишдан ор қилмайдиганлар йўқ дейсиз?

Шу жирканч ахлат уюмларидан бирининг бу ёнида —

дорихона, у ёнида эса — ошхона.

Куппа-кундузи шу ерга нариги маҳалладан арава-чада олиб келган ахлатини ташлаётган ёшгина аёлни тартибга чакирмоқчи бўлдим: "Бундай қилманг сингилжон, ахлатларни сиз ташлаясиз-у мен уялиб кетаялман, ахир катта кўчанинг юзи бўлса", десам, "Нега сиз уялар экансиз, уялманг ҳамма ташлаяпти-ку", деди у меннинг ўзимга танбех бериб.

Ха, ҳамма бало шундада, ҳамма қилаяпти-да шу ишни.

Бултур ёз кунларининг бирида дўстлар билан Қорасув дарёсининг сўлим қирғоғида озроқ дам олиб, чакчақлашмоқчи бўлдик.

Қирғоқда ўтириш давомида дарё сувидан кўз уз-майман: деярли ҳар 2-3 дақиқада битта-иккита бўш елим идиш — баклашка оқиб ўтади.

Агар эътибор берсангиз, негари кейинги пайтларда айнан оқар сув манбалари — ариқ-зовурлар чиқинди ташланадиган жойга айланиб қолди. Бу билан ҳаёт ва поклик манбаи бўлган сувларимизни ҳам ўз қўлимиз билан ифлослантириб юбораямиз. Пойтахтнинг "Уриқзор" даҳасидаги маҳаллаларнинг биридан оқиб ўтувчи ариқ бўлида "Ахлат ташламанг, гуноҳидан қўрқинг!" деган ёзувга кўзим тушган эди.

Ха, бундай номаъқул ишларга кўл урмаслик учун Яратгандан қўрқиб, бандасидан уялиш даркор.

Дунёда кўркамлиги ва озодаллиги билан довуғи дoston шахарлар, файзу таровати, мусаффо сувлари-ю ҳаволари билан жаннатмонанд бўлиб кетган мамлакатлар бисёр. Сир эмаски, ўша жойларда ўз фуқароларининг фидойилиги-ю садоқати туфайли шундай даражага эришилган. Азим шахарларда қимир билиб-билмай сигаретасининг қолдигини ерга ташлагудек бўлса, бошқа бир фуқаро дарҳол унга нотўғри иш қилаётганини, сигарет қолдигини белгиланган жойлардаги ахлат қутисига ташлаш кераклигини айтиб, танбех бериши ёки шу ишни ўзи бажариши ҳақида эшитганмиз. Қани эди, ҳар биримиз ана шундай йўл тутиб, шахарларимиз, қишлоқ ва кўрғонларимизни озода сақласак, обод этаск.

2009 йил мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди ва бу борада махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида қишлоқларимизнинг янада кўркам, обод ва фаровон бўлиши йўлида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти.

Бу эзгу ишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшимиз, бу борада фаоллик ва фидойилик кўрсатишимиз талаб этилади. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар чинакам ватанпарварлик, юртсеварликнинг ифодасидир. **Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда экология, атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор берилмоқда. Қатор қонун ҳужжатлари бу борадаги ишларни жадаллаштиришда кўл келмоқда. Маълумки, қайси ҳудудда ишлаб чиқариш, саноат корхоналари кўп бўлса, ўша жойда атроф-муҳит, экологияга маълум миқдорда путур етади. Бу жиҳатлар пойтахт вилояти учун ҳам ҳосидир.

Бинобарин, вилоятимизда кимё, машинасозлик, энергетика, кўмир, тоғ рудаси, металлургия ва саноатнинг бошқа тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланиб бораётти. Бугунги кунда ҳудуддаги мавжуд корхоналар республикада тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг 10-15, электр энергиясининг 45, кўмирнинг 98, цементнинг 45, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизини, рангли металлнинг каттагина қисmini ишлаб чиқараётганлигини инобатга олсак, бу ердаги экологик ҳолат алоҳида эътибор ва масъулият талаб этиши ойдинлашади.

Вилоятда Чотқол, Курама, Угам, Пском, Майдонсой, Талас, Олатос, Кўксуй ва бошқа тоғ тизмалари ҳамда 39 та катта-кичик дарёлар, 48 та кўл ва 5 та сув омбори жойлашган. Шунингдек, 70 дан зиёд минерал хом ашё ва республика халқ хўжалиги учун зарур бўлган норузда қурилиш материалларини казиб олиш бўйича қарьерлар ишлаб турибди. Шунингдек, вилоят ҳудудида 1 та қўриқхона, 1 та давлат табиат Миллий боғи ва 4 та ўрмон хўжалиги мавжуд.

Истиқлол йилларида вилоятда автомобиллар сони кўпайётганлиги аҳоли турмуш даражаси тобора яхшиланиб бораётганидан, албатта. Шу билан бирга масаланинг бошқа жиҳати

БОРЛИҚ БИЗДАН ЭЪТИБОР КУТАДИ

хам бор. Автоуловлар сонининг кўпайиши оқибатида ҳавога чиқадиган зарарли газлар миқдорининг ошиб бориши кўпчиликка аён. Ҳавога ташланадиган олтингурут диоксиди, углерод ва азот оксиди, аммиак, фенол сингари зарарли моддалар 1990 йилдаги ҳолат билан таққосланганда 2,5 бараварга кайишган. Албатта, савол туғилади: бунга қандай қилиб эришилди?

Айтиш мумкинки, бунга бир неча омиллар асос бўлаётти. Энг аввало, вилоятимизда транспорт-коммуникация тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан, кейинги йилларда вилоят ҳудудида ҳам дунё стандартлари талабига жавоб берадиган магистраллар, кўплаб йўл ва кўприклар қурилди. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, бу ҳудуднинг табиати бетакрор, фауна-флораси ва ландшафти ўзига хос гўзал манзара касб этади.

Шу боисдан ҳам пойтахт вилояти ўзининг хушманзара табиати ила жаҳон сайёҳларининг диққат-эътиборини тортмоқда. Шунинг-

дек, сўнгги вақтларда кўламзорлаштириш ишлари-га жиддий эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда яшил оламнинг аҳамияти беқиёс. Довдарахтлар кишига завқ берибгина қолмай, кўтарилаётган чанг ва губорларни ушлаб қолади, шовқини камайтиради. Энг муҳи-

атмосферага чиқарилаётган зарарли ташламалар ҳисобига ифлосланади. Лекин шуниси ҳам борки, агар чиқиндиларни қайта ишлаш йўлга қўйилса, у атроф-муҳит мусаффолигини таъминлабгина қолмай, қўшимча даромад манбаига ҳам айланади. Мисол учун, вилоятда ҳозирги вақтда саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган

давомида ташланаётган ифлосланган оқава сувлар ҳажми деярли икки баравар камайди. Турғун манбалардан атмосфера ҳавосига чиқаришдан ифлослан-тирувчи моддалар ҳажми 17 фоизга қисқарди. Саноатнинг пешқадам корхоналаридан бири бўлиши "Ўзметкомбинат" бирлаш-маси, "Бекободцемент" корхонаси ҳамда "Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси"да амалга оширилган табиатни муҳофаза қилиш бўйича йирик тадбирлар эвазига экологик муҳит бир мунча яхшиланди.

Ўтган 2008 йил якунига кўра, Олмалик ва Янгийўл шаҳарларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси санитар-гигиеник меъёрлар даражасида бўлди.

Албатта, атроф-муҳит муҳофазасининг барқарорлигини таъминлашда жойлардаги биологаториялар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан, улар фаолиятини ривожлантириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Бўка туманига 3 та линия олиб келиб, ўрна-тилиши учун 75 миллион сўм маблағ сарфланди. Эски Ангрен иссиқлик электр станциясида ҳосил бўлган кўмир кулининг 200 минг тоннаси утилизация қилинди.


Атроф-муҳит муҳофазаси, унинг барқарорлигини таъминлаш наинки шу соҳа ҳодимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг ишидир. Биз атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ҳар қандай ишга эътиборли бўлсак, ўз олдимишга қўйилган улуг мақсадларга эришган, келажак авлод учун Она табиатимизни безавол етказ-за олган бўламиз.

Холтура СУВОНОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Биласизми?

ЛОЛА ОДДИЙ ЎСИМЛИК ЭМАС

Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 301 та тури "Қизил китоб"га киритилган. Шундан бизнинг воҳани ўраб турган Чотқол ва Курама тоғлари тизимида 65 тури мавжуд. Воҳамиз аҳолисини бундан огоҳлантириш, улар ҳақида маълумотлар бериш, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишга кенг оммани жалб қилиш долзарб масалалардан биридир.



Ҳозирги вақтда кескин муҳофаза чораларини кўрмаслик оқибати нимадаража олиб келишини аниқласа, ёш авлод онгига сингдириш мақсада мувофиқдир.

"Қизил китоб"га киритилган ўсимликлардан бири лолалар. У лолаларлар оила-сига мансуб бўлиб, ҳозирги вақтда 23 тури "Қизил китоб"да қайд этилган. Бизнинг воҳада шулардан 8 тури рўйхатга олинган. Улар ичи-да энг ноёби "Веден лоласи" ҳисобланади. У бўйи 10-20 сантиметрга етadиган кўп йиллик пиёзли ўсимлик. Пиё-зи тухумсимон, диаметри 2-3 сантиметр, тўқ-кўнғир рангли, қобиги қорғосимон. Барглар-и 3-5 та, эгри-бўтри, кўким-ти рангли. Гуллари биттадан, сарғиш ёки қизил тусли бўлиб, гулининг туби сариқ, чангчи иплари сариқ ёки қорамтир-бинафша ранг. Июнь-июль ойларида гуллаб, меваси июль-августда етилади. Бу ўсимлик Охангарон дарёси бўйларидаги яшил во-дйларда ўсади. Шунингдек, денгиз сатҳидан 1600-2000 метр баландлидаги шалғал тоғ ён бағирларида учрайди. Яккам-дуккам ҳолда тарқал-ган. Уруғидан ёки пиёзи ор-

қали кўпаяди. Гул ва пиёзлар-ини кўплаб йиғиб олиниши ва чорва молларининг яйлов шaroитида доқилиши туфай-ли ушбу ўсимликлар кескин камаймоқда.

Бу ўсимлик Ўзбекистон Республикаси Фанлар Акаде-мияси Ботаника боғида 1956 йилдан буюн экиб келинади. У ҳуқуқни ва табиатни муҳо-фаза қилувчи органлар томо-нидан қатъий назоратга олин-ган.

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси томони-дан Республика ҳудудидаги ўсимликларни муҳофаза қи-лиш ва улардан рационал фойдаланиш бўйича қатор қарор ва фармойишлар қабул қилинди ҳамда ҳара-катдаги қонунларга ўзгарти-риш ва қўшимчалар киритил-ди. "Қизил китоб"дан жой олган ва бошқа ноёб ўсим-ликларга зиён етказилган тақдирда қонунбузарга нис-батан маъмурий, ҳатто, жи-ноий жавабгорлик чоралари қўрилиши ва етказилган за-рар тўлиқ ундирилиши бел-гиланган.

Севара ЖўРАЕВА,
Олмалик табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси 2-даражали мутахассиси.

Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти
табиатни муҳофаза қилиш
қўмитаси саҳифаси

Мавзуга қайтиб

МУАММО МУАММОЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Газетада ҳар ой бериб борилаётган "Табиат ва инсон" саҳифасини мунтазам кузатиб бораман. Унда, айниқса, кейинги пайтлар бир қадар муаммоли мавзулар ҳам қаламга олинаётгани кўзга ташланади.

Хусусан, газетанинг шу йил 4 март сониди меннинг таҳририятга йўллаган мак-тубим "Муаммони ким ҳал қилади?" сарлавҳаси билан чоп этилганида бир ўқувчи сифатида матбуотга бўлган ишончим янада мустаҳкам-ланди. Унда биз яшаётган Паркент фермерлар уюш-масида тоза ичимлик суви таъминотининг қоникарсиз ахволда эканлигини баён қилгандим. Мана, орадан қарийб 4 ой вақт ўтди. Бирок, муаммо муаммоли-гича қолмоқда.

Худудимизда тахминан 650 га яқин хўжалик исти-қомат қилади. Шулардан деярли 70 фоизи артезиан кудуғи сувидан инади. Қол-ганлар шундан ҳам бебаҳ-ра. Улар ичтаётган сув мут-лақо талабга жавоб бер-майди. Баъзан сувдан тур-



ли ҳашаротлар, айтилик, зулуқлар чиққан ҳоллар ҳам бўлган. Катталар-ку, бундан эҳтиёт бўлар, аммо ёш болалар оғохланти-ришларга қарамай, билиб-билмай шу сувдан ичиб қўйишаяпти.

Кудуқ қопқоқлари (ко-

лодлар) йўқлиги сабабли кечаси одамларнинг улар-га тушиб кетиш хавфи бор. Қолаверса, сувга ҳар тур-ли ифлос чиқиндилар, ҳашаротлар тушиб, уни булғамаслигига ким қафо-лат беради?

Сув — табиатнинг бебаҳо неъматидир. Барчамиз мусаф-фо оби-ҳаётдан баҳра олишга ҳаққимиз. Баъзан одамларнинг суви ифлос-лантираётгани, уни беҳуда исроф қилаётганини кўрсам, тузатиб кетаман. Эҳси, улар биздаги шароитни бир кўрсалар эди, дейман.

Эшитишимча, бу йил шарофати билан тумани-мизда аҳолини тоза ичим-лик суви билан таъминлаш ҳаракатлари ҳам анча жон-ланаётган экан. Умид қи-лаемизки, мутасаддилар қишлоғимиздаги ҳақиқий ахволга ҳолисона баҳо бе-риб, зарур чораларни кўра-дилар.

Талант УТИШОВ,
Паркент фермерлар уюшмаси.

АФСУСКИ, АЙБДОР ЎЗИМИЗ

Олов — тилсиз ёв. У инсонга, атроф-муҳитга мислсиз хавф-хатар етказиши ҳеч гап эмас.

Сиз суратда кўриб турган манзара Янгийўл туманига элтувчи марказий йўл ёқасида тасвирга туши-рилди. Бир-бирига уланган икки юк ташувчи тиркама оддий эътиборсиз-лик туфайли лик тўла сомон тахлам-лари билан ёниб кетди.

Бу манзара барчамизни бирдек хушёр торттириши лозим. Жазирама ёз кунлари, айниқса, гафла ўрми-йи-гими давом этаётган айни паллалар-да ёнгин хавфсизлиги қоидаларига эътибор ва масъулият билан ёндо-шиш талаб этилади. Бу билан авва-ло, ўз ҳаётимиз ва она табиатни тур-ли кўнгилсизликлардан ҳимоя қилган бўламиз.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



Саҳифани вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари Ғайрат ШЕРАЛИЕВ ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

б-ҳаво

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 1 июль куни Тошкент вилоятида ҳаво бироз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эса-ди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 дара-жа иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олабдан

Тошкент азалдан илму урфон маскани, маърифат бешикларида бири бўлиб келган. Бу асим кент беназир алломалар, фозилу фузалоларни камол топтирган, ўзга юртлардан келган илм ва маърифат кишиларига кучок очган, уларни ўз фарзандидек бағрига олган. Алишер Навоийнинг назарига тушган тарихчи ва шоир Зайниддин Босирий 1522 йилда Тошкентга келади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади. Унинг шу заминда яратилган "Бадоеъ-ул-вақоъ" асарида Ватанимиз тарихи, ўрта асрларда яшаб ўтган шоиру фозиллар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур асарда муаллиф Тошкент таърифида алоҳида тўхталади. Асардан шоирнинг бу гўзал шаҳар мадҳига бағишланган қасидаси ҳам ўрин олган.

Тошканд мулкин бу кун таърифин этай,
Нукталар шодасин назмга битай.
Андоқ бир шаҳарки, жаннатмақондир,
Хижолатдин жаннат сийниси қондир.
Бу кентни ким кўрса, асло жилмағай,
Жаннат неъматларин орзу қилмағай...
XIX асрда Хоразмда яшаб ўтган шоир ва бастакор Комил Хоразмий ҳам бир неча бор Тошкентга келган. Шаҳарнинг гўзал табияти, фойзидек бог-роғлари, ажойиб манзаралари шоирга илҳом бахш этди. Унинг Тошкент ҳақидаги динбар шеър ва газаллари бизга етиб келган. У 1896 йилнинг куз ойларида бу шаҳарга келган.


(Давоми. Боши 1-бетда).

нида, шаҳарнинг кўрку таровати, фусункорлиги уни лол қолдиради.

Хушхаволиқ мунда бўлса,
онда айёми хазон,
Ё раб, эркандур нечук
фасли баҳори Тошканд?
Яъни, куз фаслидаки, шаҳар шундай хушхаво, чиройли бўлса,
баҳорда қандай тароват касб этар экан, дея ўз хайратини шеърга

бунда япроқлар,
Уларнинг тилини
англаб тураман...
Озарбойжоннинг Оғдош шаҳрида туғилган Мақсуд Шайхзода тақдир тақозоси билан Тошкентга кўчиб келган ва шу юртининг асл фарзандига айланган. Унинг гўзал шеърлари, дostonлари, драматик асарлари, илмий изланишлари билан адабиётимиз ривожидан нафас олган кўплаб қардош халқлар адаблари ижодида учратиш мумкин.

Тошкент таърифи бўлган келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишга қаратилган қарори бор. Унга биноан оила кураётган ёшлар руҳий соғломлиги, гиёҳвандлик, сил, захм ҳамда ОИТС бўйича текширувдан ўтказилади. Агарда оилада гиёҳвандликдан азоб чекаётганлар бўлса, уларни зудлик билан наркологик диспансерга, шифокор-нарколога олиб бориб, маслаҳат олиш зарур. Бомрининг назорат қилиниши ва даволашни сир тутилади.



Халол дастурхонни, уйғоқ виждонни

Кўрмоқчи эдим мен,

Тошкентда кўрдим.

Тошкент ҳақидаги меҳр-муҳаббатга, эҳтиромга йўғрилган сатрларни, самимий изҳорларни яна қанчадан-қанча машҳур шахслар, давлат ва жамоат, фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчиларнинг қалб дафтаридан топиш мумкин.

Бугун гўзал ва навқирон Тошкент ўзининг 2200 йиллик қутлуг ёшини қарши олмакда. Пойтахтимизнинг бугунги жамоли, кўрку таровати қалбларда чексиз қувонч, фахру ифтихор хисларини уйғотади. Ана шу улғувор туйғулар бундан кейин ҳам ижод аҳли учун илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилади.

Зотан, Ватанимиз пойтахти, бетимсол Тошкентимиз хар қанча таърифу тавсифга, эътирофу эҳтиромга муносибдир.

Рустам ЖАББОРОВ,
Ўза Шарҳловчиси.ТАЪРИФИ
ТИЛЛАРДА ДОСТОН

солган.

Рус шеъриятининг атоқли вакилларида бири, дилбар шоир Сергей Есенин ўтган асрнинг 20-йилларида Тошкентга келган, маълум муддат шу ерда яшаган, гўзал шеърлар битган. Айни пайтда шоир яшаган ўй музейга айлантирилган.

Рус шеъриятининг машҳур намоёндаларидан яна бири Евгений Евтушенко пойтахтимизда кўп мартаба меҳмон бўлган, бу ердаги бағрикенглик, меҳмондўстлик, бунёдкорлик ишлари шоирда мислсиз қувонч ва хайрат уйғотган. Бу туйғулар унинг шеърларига ҳам кўчган:

Мен Тошкент шаҳрини айланган чоғлар,
Нақ бутун мамлакат бўйлаб юраман.
Ўзбекча шивирлар

га бекиёс хисса қўшган. Унинг ижодида Тошкент мавзуси алоҳида ўрин тутди. Айниқса, "Тошкентнома" дostonида шоирнинг жонажон шаҳарга бўлган ўшқин меҳри ва муҳаббати ўз ифодасини топган:

Тошкентда тўрт фасл – ёз,
Баҳор – шошган ички ёз,
Ёз – танти ва асл ёз,
Куз – кечиккан, кечки ёз...
Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўплаб ёзувчи ва шоирлар Тошкентга кўчиб келади, шу ерда яшаб ижод қилади. Рус ёзувчилари Алексей Толстой, Константин Симонов, беларус адаби Акуб Колас шулар жумласидандир.

Тошкент ҳаммаша дўстлик, қардошлик ва ҳамжихатлик шаҳри бўлиб келган. У ҳақдаги илик, дўстона фикрларни Тошкентга меҳмон бўлиб келган, унинг ҳаво-

ри, абадият масканидир", деб ёзган эди таникли тожик ёзувчиси Жалол Икромий.

Озарбойжон адабиётининг етук намоёндаларидан бири Мирза Иброҳимов асарларида ҳам ана шундай самимий мисраларни учратиш мумкин: "Тошкент – мен учун азиз ва қадрдон шаҳар. Бу ерда ҳамма нарса: урф-одатлар, қиёфалар, жўқин сўзлар, дўстларнинг мароқли суҳбатлари, шаҳарнинг гўзал сайрғохларини кезиш қалбимга бир олам завқ, ҳузур-халоват бахш этади".

Яна бир озарбойжон шоири Вокиф Маммадовнинг Тошкентни вафс этиб битган туркум шеърларида шундай сатрлар бор:

Тупроққа эътиқод,

Кўрмоқчи эдим мен,

Тошкентда кўрдим.

КЎРГАЗМАДА
НАТЮРМОРТЛАР
НАМОЙИШИ

Ёшлар ижод саройида "Натюрморт" номли кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий Академияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ёшлар ижод саройи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмадан ўзбекистонлик ёш рассомларнинг эллиқдан ортқ рангасвир ва графика асарлари ўрин олган.

Тасвирий санъатда натюрморти ягона композицияга тўпланган жонсиз буюмлар тасвири, деб номлаш одат бўлган. Натюрморт жанри картина композициясининг бир бўлаги, шунингдек, мустақил аҳамиятга эга асар бўлиши мумкин.

Рассомларни ягона мавзу бириштиришга қарамай, асарлар турли усулларда яратилган. Булар – гобелен, декоратив натюрморт, мойбўёк, графика, фото-принт, коллаждир. Баъзи рассомларнинг мавзуга бўлган ўз нигоҳларини инсталляция лойиҳалари орқали намоийиш этишга ҳаракат қилганлиги ҳам эътиборга молиқдир.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
"Туркистон-пресс".

ЁШЛИК ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Мактаб, олий ўқув юрлари каби улғу даргоҳлар билан хайрлашганимиздан сўнг фақат ўша пайтлардаги қувончу ширин ташвишларни эслатиб турувчи синфдош ва курсдош дея аталмиш ҳамроҳлар ёдга қолади холос. Улар билан ҳар учрашганимизда биринчи синфдан то мактабни битиргунга қадар даврлар кўз олдимизда гавдаланади. Ёки талабалик йилларининг машаққатли, лекин, унутиб бўлмас олтин онлари ёдга олинади.

Юрчириқчи туманидаги 10-умумтаълим макта-

Инсон ёшлигида тезроқ улғайиб, "катта одам" бўлишни орзу қилади. Аксинча, вояга етиб, катта ҳаётга қадам қўйгандан кейин "ўзим ўсган маҳаллада шўхлиқлар қилсам, мактабимда, жонажон партамда ўтириб,

бини бундан қирқ йил олдин битириб, ҳаётда ўз ўринларини топган синфдошлар учрашиб, дийдорлашадилар.

– Ўқитувчи учун энг катта бахт бу ўзи таълим берган ўқувчисининг қамолини кўриш бўлса керак, – дей-

– Шўх бўлганим учунми, устозларим билан кўпинча

ларга катта миннатдорчилик билдираман.

Шу кун дастурхон атрофида йиғилган қирқ йиллик синфдошлар Муҳиддин Исоков, Илҳом Носиров, Беркин Холтурсунов, Жиянбой Ақилбеков, Зубайда Майрамова каби ўқитувчилар билан мактаб даврларини эслашди, мириқиб суҳбат қуришди. Бу кунларга етиб кела олган устоз ва ўқувчилар хотирасини ёдга олдилар.

СУРАТДА: қирқ йиллик синфдошлар.

Еркебой Ботиров олган сурат.

уларга катта миннатдорчилик билдираман.

Шу кун дастурхон атрофида йиғилган қирқ йиллик синфдошлар Муҳиддин Исоков, Илҳом Носиров, Беркин Холтурсунов, Жиянбой Ақилбеков, Зубайда Майрамова каби ўқитувчилар билан мактаб даврларини эслашди, мириқиб суҳбат қуришди. Бу кунларга етиб кела олган устоз ва ўқувчилар хотирасини ёдга олдилар.

СУРАТДА: қирқ йиллик синфдошлар.

Еркебой Ботиров олган сурат.

Еркебой Ботиров олган сурат.

Саломат бўлинг

КАЙҲУ САҲРОНИНГ
ОХИРИ ЖАҲО

Ҳозирги кунда дунёда гиёҳвандликка берилган ёшлар сафи ортиб бормоқда. Айниқса, Фарб мамлакатлари бундан қаттиқ азизат чекмоқда. Гиёҳвандлар билиб-билмай ўз яқинларини ҳам бу дардсиз касалликка гирифтор қилмоқдалар. Унинг асоратларидан минглаб ёшлар ҳаётни бевақт тарк этишаётир.

Республикаимизда гиёҳвандликка қарши курашиш учун махсус дастур амал қилапти. Жойларда касалликка чалинган беморларни даволаш, назорат қилиш учун наркологик диспансерлар ташкил этилган, даволаш муолажалари берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг оила кўрмоқчи бўлган келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишга қаратилган қарори бор. Унга биноан оила кураётган ёшлар руҳий соғломлиги, гиёҳвандлик, сил, захм ҳамда ОИТС бўйича текширувдан ўтказилади. Агарда оилада гиёҳвандликдан азоб чекаётганлар бўлса, уларни зудлик билан наркологик диспансерга, шифокор-нарколога олиб бориб, маслаҳат олиш зарур. Бомрининг назорат қилиниши ва даволашни сир тутилади.

Гиёҳвандликнинг турлари кўп. Бунга наша, героин, хар хил кайф берадиган дори-дармонлар (морфин), транквилизаторлар, бензин, керосин, спирт

хидлаш (токсикомания) ва бошқалар қиради. Ушбу касалликларни даволашда биргина беморнинг ўзигина ҳаракат қилиши етарли эмас, балки унга оиланинг ҳамма аъзолари ёрдам беришлари керак. Чунки, гиёҳвандлик йўлига кириб қолган одамларнинг иродаси суи бўлиб қолиши боис, улар ўз ваъдаларининг устидан ҳаммаша ҳам чиқа олмайдилар.

Гиёҳвандликка дучор бўлган кишилар оила қуриш ва меҳнат фаолиятини тўлақонли бажариш, жамият олдидидаги ўз ваъдаларига бефарқ бўлиб қоладилар. Уларни ҳаётда фақат битта нарса қизиқтиради – қандай бўлмасин, гиёҳванд модда топиш ва унинг кайфини суриш. Шу тўғрисида уларни даволашда фақат оила аъзоларига эмас, балки поликлиника, наркологик диспансерлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари биргаликда ҳаракат қилишлари лозим.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббий фанлари
доктори, профессор.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 15 июндаги № 10-0905/9827 (19)-сонли ажримига асосан "Sibir-Ural-Toshkent-Prominvest" МЧЖ корхонаси соддаштирилган таомилда банкрот деб эълон қилинди ва иш юриштиш ҳамда қузатув жараёни бошланди.

Муваққат бошқарувчи этиб Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани ДСИ ходими С. Саидхмедов тайинланди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 02.07.2009 йилда соат 14.00 да Тошкент шаҳри, Корасарой кўчаси, 269-уй ДСИ биносининг 111-хонасида ўтказилади.

Президиум Ташкентской областной коллегии адвокатов сообщает, что Ташкентская областная коллегия адвокатов реорганизуется в коллегию адвокатов "Пойтахт".

Все претензии кредиторов принимаются в течение 2-х месяцев в коллегии адвокатов "Пойтахт" по адресу: г. Ташкент, ул. Абдурашидова (бывшая Мавлянова), дом 1-а.

Кибрай туманидаги А. С. Чўлпон номи 37-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Нормухамедова Саида Жўрабаевна номига берилган О'Р-А № 627108 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шахадатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частное предприятие "STAFAR HUMAN RESOURCE MANAGEMENT" Мирабдского района г. Ташкента сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "STAFAR HUMAN RESOURCE MANAGEMENT". Т. 238-93-50.

Утерянную круглую печать частного предпринимателя Энзасова Ботира Джуманазаровича Сергеевского района, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утер्यानную круглую печать частного предпринимателя Энзасова Ботира Джуманазаровича Сергеевского района, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ташкент виллоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси Тошкент тумани инспекцияси ходими Абдукарим Абдурахимовга падари бузруквори

Абдуллох Абдурахимовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкент виллоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси Тошкент тумани инспекцияси ходими Абдукарим Абдурахимовга падари бузруквори

Абдуллох Абдурахимовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкент виллоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси Тошкент тумани инспекцияси ходими Абдукарим Абдурахимовга падари бузруквори

Абдуллох Абдурахимовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкент виллоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси Тошкент тумани инспекцияси ходими Абдукарим Абдурахимовга падари бузруквори

Абдуллох Абдурахимовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкент виллоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси Тошкент тумани инспекцияси ходими Абдукарим Абдурахимовга падари бузруквори

Абдуллох Абдурахимовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилсимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент виллоят Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Файрат ШЕРАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Хурида НАЗАРОВА